**Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 22 кун қолди**



*Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида узоқ муддат ҳаракат қилишга, барқарор туришга мўлжалланган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Конституциянинг барқарорлиги — унинг муҳим юридик жиҳати бўлиб, худди ана шу нарса мамлакатдаги мустаҳкам қонунийликнинг, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг шахс, жамият ҳамда давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар мувозанатининг гаровидир.*

# ҲАЁТ ТАЛАБ ҚИЛГАН ЎЗГАРИШ

Маълумки, мамлакатимиз Асосий қонуни 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Унинг олтинчи бўлимининг 127-128-моддаларида Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 24 апрелда бўладиган иккинчи чақириқ ўн биринчи сессияси кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам киритилган.

Конституцияга ўзгартириш киритилиши, унинг айрим жиҳатларини ҳаётга мослаштириш, аниқлаштиришдан иборатдир. Аслида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали Конституция мукаммаллаштирилади, такомиллаштирилади. Шу тариқа, унинг асосий мазмун ва моҳияти сақлаб қолинади. Янги конституцияни қабул қилиш ёки амалдагисини ўзгартириш ҳар доим сиёсий ҳаётдаги бурилишлар, ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг конституциявий тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, конституцияни ўзгартириш учун жуда кўп давлатларда мураккаблаштирилган махсус тартиб ва тегишли қонунчилик жараёни ўрнатилган. Мазкур жараён конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ташаббуснинг намоён этилишидан бошланади. Бир қатор давлатлар конституцияларида бундай ташаббус кирита оладиган субъектлар рўйхати белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилигида конституцияни ўзгартириш ёки унга қўшимчалар киритиш тўғрисида ташаббус билан чиқадиган субъектлар белгиланмаган. Демак, бундай таклиф билан умумий тарзда қонунчилик субъектлари чиқиши мумкин. Конституциямизнинг 82-моддасига, асосан, қонунчилик ташаббусига қуйидаги субъектлар эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси;

Олий Мажлис депутатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Конституциявий суд;

Олий суд;

Олий хўжалик суди;

Бош прокурор.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига кўра, Омбудсман ҳам қонунчилик ташаббусига эга.

«Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф Олий Мажлисга келиб тушгач, Олий Мажлис олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги кенг ва ҳар томонлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин» (Конституциянинг 128-моддаси). Мамлакатда қонунчилик борасида шаклланган амалиётга кўра, башарти, Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритилса, аввало, у тегишли асослантирувчи ҳужжатлар билан Олий Мажлисга тақдим этилади. Бунда таклиф этилаётган ўзгартиришнинг мақсади вазифаси ва ундан кутилаётган ижтимоий-сиёсий оқибатлар батафсил таърифланиши лозим. Борди-ю, бунинг учун қўшимча моддий ва бошқа харажатлар талаб этиладиган бўлса, таклифни киритган ташаббускор субъект бу бўйича тегишли молиявий-иқтисодий далилларни илова қилиши лозим.

Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифлар Олий Мажлис Раисига ёки Олий Мажлис Кенгашига тақдим этилиши ва Олий Мажлис котибиятида рўйхатга олиниши лозим. Агар «Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ёки таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти ва Қонун лойиҳаларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига жавоб бермаса, у Олий Мажлис Раиси ёки Олий Мажлис Кенгаши томонидан қайтарилиши мумкин.

Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф кенг ва ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу боис, бу борадаги таклиф расман рўйхатга олингач, у дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва бундан буён унинг устида иш олиб бориш юзасидан таклифлар тайёрлаш учун, Олий Мажлис Раиси ёки Олий Мажлис Кенгаши томонидан парламентнинг тегишли қўмиталари, комиссияларига ҳамда айни вақтда, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига юборилиши назарда тутилади.

Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифини дастлаб кўриб чиқиши ва муҳокама этиш учун махсус комиссия тузиши ҳам мумкин. Мазкур лойиҳа парламент депутатларига барвақт тарқатилиши, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамасига чиқарилиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда жамиятимизда янги-янги ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонунда эътироф этилмаган ҳолатлар вужудга келмоқда. Сўзсиз, мустақил республикамиз ҳаётидаги бундай янгиланишлар ва муносабатлар асосий қонунимиз бўлган Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда.

**Воҳиджон ТОПИЛДИЕВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ катта ўқитувчиси.**

# Синиш бор гап, лекин...

Ҳақиқатдан ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида якка тадбиркор ёки юридик шахснинг синиши бор гап. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, ана шу жараёнда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонун керакми? Албатта, керак. Шунинг учун ҳам, «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири)ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилган.

Аслида банкротлик нима ўзи? Қонун лойиҳасида ана шу ҳақдаги асосий тушунчалар берилган. Банкротлик (иқтисодий ночорлик) дегани шуки, унда якка тадбиркор ёки юридик шахснинг кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ёки бюджетга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлай олишга қодир эмаслигини англатади.

Хўш, шундай ҳолатда нима қилинади? Қонун лойиҳасида ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ҳамма ҳолатлар эътиборга олинган.

Шуниси ҳам борки, энди лойиҳанинг 4-моддасида айтилганидек, «... Агар тегишли мужбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади». Демак, Қонун қабул қилинса, бундан буён якка тадбиркор ҳам, юридик шахс ҳам ҳисоб-китобини шунга яраша пухта олиб бориши лозим. Акс ҳолда банкротлик аломати юзага келади. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Ўтган йили Қашқадарё вилоятида иқтисодий ночорлик аломати юзага келган 35 та корхонадан 6 тасига банкротлик тамойили қўлланилди, 4 таси банкрот деб эътироф этилди. Мониторинг олиб борилаётган мулкида давлат улуши бўлган 464 та корхонадан 64 тасида рентабеллик даражаси паст, яъни банкротлик аломати мавжуд. Ушбу корхоналарнинг 34 фоизи қурилиш, 18 фоизи саноат корхоналаридир.

Нима учун корхоналар банкрот бўлиб қолмоқда? Аввало шуни айтиш керакки, корхона раҳбарлари қонунларни яхши билмайдилар. Натижада, ҳатто сотилган маҳсулотнинг пули тушмасдан дебитор қарз пайдо бўлади.

Қарздор бўлиш мумкин, лекин қарзни вақтида тўлаш чораси кўрилмаса, у ёмон бўлади. Оқибатда нафақат қарздор, балки бошқалар ҳам зарар кўради. Қонун лойиҳасида бу ҳам инобатга олинган. Масалан, 17-моддада «Манфаатдор шахслар» кимлиги тушунтирилган. Ҳатто «қарздор — жисмоний шахсга нисбатан манфаатдор шахс дейилганда унинг хотини (эри), ота-онаси, бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳамда боласи, невараси, чевараси, опа-сингил ва ака-укаларининг боласи, невараси, чевараси, эвараси, хотинининг (эрининг) опа-сингиллари ва ака-укалари тушунилади», дейилган. Кўряпсизми, қарздорлик, қарзни тўлолмаслик қандай ёмон, у қандай оқибатларга олиб келади. Ундан нафақат қарздор, қарздорнинг чеварасигача зарар кўради. Шохига урсанг, туёғи зирқирайди деб бекорга айтилмаганда ахир. Қонун лойиҳасида ана шу жиҳатлар назарда тутилган.

Банкротликни яшириш мумкинми? Мабодо шундай ҳолат аниқланса, прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади. Кўринаяптики, бундан кейин якка тадбиркор ҳам, юридик шахс ҳам фақат қонунга амал қилиши шарт. Йўқса, охири вой бўлади. Яна шуниси ҳам борки, (186-модда) «Қарздор томонидан мол-мулкнинг яширилганлиги ёки унинг ўз мол-мулкини учинчи шахсларга ғайри қонуний тарзда берганлиги фактлари аниқланган тақдирда, банкротлик жараёнида талаблари қондирилмай қолган кридетор ундурувчи ана шу мол-мулкка қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли». Бу ҳам қарздорнинг фириб беришига йўл қўймайди, деб ўйлайман.

Қолаверса, 192-моддада «Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар»га тўлиғича изоҳ берилган. Шундай ҳаракатлар жумласига «Мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгаларининг ёхуд кредитор (кредиторлар) ёки бошқа шахсларнинг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари билан қарздорга ёки кредиторга (кредиторларга) зарар етказган қоидабузарликлар тушунилади».

Айтмоқчиманки, «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири)ги Қонун лойиҳасида ҳаётимизда учраши, рўй бериши мумкин бўлган ҳамма ҳолатлар ҳисобга олинган. Эндиликда буни ҳар бир тадбиркор, юридик шахс мукаммал билиши ва амал қилиши шарт. Шундай бўлса, иш банкротликкача бориб етмайди.

**Қурбон ПАНЖИЕВ,**
**«Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раиси,**
**Олий Мажлис депутати.**

## Серёғин баҳор ташвишлари

Бу йил кўклам одатдагидан кўра серёғин келди. Кузқиш мавсумида ҳам ёғингарчилик меъёридан бирмунча ортиқ бўлганди. Албатта, қор-ёмғир — ризқ-рўзимиз. Шу билан бирга, ҳаддан зиёд ёғингарчилик дарё, сой ва кўлларнинг тўлиб-тошишига, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига, оқибатда баъзи жойларда тошқин, сел, қор ва ер кўчкилари каби табиий офатлар юз беришига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати маълумотларида келтирилганидек, жорий йил баҳор-ёз ойларида баъзи сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, айрим тоғли жойларда кўчки ҳодисалари юз бериши тахмин қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7 март куни қабул қилган "Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш, ўз вақтида огоҳлантириш жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Қарорга мувофиқ тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича ҳукумат комиссияси тузилди. Бир қанча чора-тадбирлар белгиланди ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли вазирликлар, идоралар ва вилоятлар ҳокимликлари зиммасига муайян вазифалар юклатилди.

Айни кунларда мазкур қарор талабларини бажаришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари кўчки, тошқин ва сел хавфи бўлган ҳудудларни аниқлаш учун авиация кўмагида мунтазам кузатув ишларини амалга ошираётир. Табиий офатлар эҳтимоли мавжуд ҳудудлардаги аҳоли зудлик билан хавфсиз жойларга кўчириляпти. Дарё ва кўллар тўғонлари мустаҳкамланаётир. Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда табиий офатлар юз бериши мумкин бўлган зоналарга бориш йўлларида ташкил этилган назорат постлари кеча-кундуз ишлаб турибди.

**(ЎзА).**

# БУЮК ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспозициядан жой олган Зараутсой (Сурхондарё вилояти) қоятош суратлари юртимизда илк санъат бундан қарийб 14-15 минг йил аввал, мезолит (ўрта тош) даврида шаклланганлигини ва ўзининг аҳамиятига кўра жаҳонга машҳур Испаниянинг Алтамира, Франциянинг Ляско ғорлари деворий суратлари қадр-қимматига тенг эканлигини исботлаб турибди.

Яқинда Қизилқумдан (Навоий вилояти) топилган, бундан қарийб 7 минг йил муқаддам аждодларимиз қўли билан лойдан ясалган, бахтли тасодиф ила бутун сақланиб қолган хумчани кўриб ҳайратга тушасиз. Ҳа, аждодларимиз қадам-бақадам тараққиётга интилиб яшаганлар.



Бугунги кунимиздан 4-5 минг йиллар аввал мамлакатимизда сунъий суғориш ва шудгорлаб экишга асосланган деҳқончилик маданияти шаклланди. Ўзбекистон ҳудудларида ўнлаб бронза даври ёдгорликлари топилди. Жарқўтон, Сополли тепа, Молали тепа (Сурхондарё вилояти), Далварзин (Андижон вил.), Чуст (Наманган вил.) каби археологик ёдгорликлар шу сирага киради. Бу ерлардан топилган буғдой, арпа, сули, тариқ, жийда, узум донлари қолдиқлари юртимизда деҳқончилик, боғдорчилик маданияти жуда эрта шаклланганлигини исбот қилади. Энг муҳими, бундан қарийб 5 минг йил аввал аждодларимиз бронза металл эритиш технологиясини ўзлаштирдилар. Мис ва қалай ёки мис билан қўрғошин аралашмасидан бронза металини кашф қилдилар. Ундан заргарлик буюмлари, меҳнат қуроллари ясадилар. Бундай ашёларнинг кўплаб турлари музей экспозициясидан жой олган. Аждодларимиз кундалик ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, металл эритиш технологиясини, у билан боғлиқ физик-кимёвий жараёнларни кашф этишган. Масалан, сифатли бронза олиш учун мис билан қўрғошин аралашмаси 9:1 нисбатда ва уни эритиш ҳарорати 930-1030 даража бўлиши кераклигини жуда яхши билишган.

Шу тариқа кучли деҳқончилик ва металлургияга асосланган, иқтисоди тараққий қилган Жарқўтон, Молали, Далварзин каби ўнлаб шаҳар марказлари пайдо бўлди. Булар ростмана ўзбек цивилизацияси ўчоқлари эди. Улар Хараппа-Ҳинд, Эрон, Месопотамия, Миср цивилизация марказлари билан бир қаторда туради. Бутун ўрта шарқда кичик-кичик шаҳар-давлатлар бўлгани каби бундан 3-3,5 минг йил муқаддам Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида воҳа-давлатчилик тизими шаклланди. Буни Шеробод дарёси ҳавзасидаги Жарқўтон илк шаҳар маркази харобалари ва унинг атрофида жойлашган археология ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин. Худди шундай воҳа-давлатчилик жараёни Фарғона водийсида Далварзинтепа, Зарафшон воҳасида Узунқир мисолларида ҳам кузатилади. Бу жараён экспозицияда бронза ашёлари, сопол идиш-товоқлар, шаҳар ва бинолар тарҳлари чизмалари сифатида ўз аксини топган. Аждодларимиз асрма-аср тараққиётга интилиб, бундан қарийб 3 минг йил муқаддам темир эритиш ва ундан меҳнат қуроллари ясашни ўзлаштирди. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва давлатчиликнинг юксалиши натижасида Бақтрия, Хоразм, Сўғд ҳудудларида узунлиги 15-20 км, баъзан 40-50 км.га етадиган каналлар қазилди, деҳқончилик майдонлари кескин кенгайди ва шуларнинг эвазига шаҳарлар сони ошди. "Авесто"да зикр қилинган учта давлат – Бақтрия, Хоразм ва Сўғд айнан Ўзбекистонимиз ҳудудларида жойлашган бўлиб, улар ва яна зардуштлик дини ҳақидаги маълумотлар, темир, сопол ашёлар музей стендларидан жой олган.

Ашёвий далиллар, музейшуносликнинг хилма-хил воситалари орқали юртимизни аҳамонийлар Эрони (мил.авв. VI-IV асрлар) босиб олгунга қадар унинг ҳудудларида учта давлат – Бақтрия, Хоразм, Сўғд бўлганлиги намойиш этилган.

Музей витриналарида милоддан аввалги IV асрда Спитамен раҳнамолигида халқимизнинг Александр Македонский қўшинларига қарши олиб борган мардона кураши далиллар орқали ёритилган. Кушонлар салтанати турли-туман тангалар, буддавийлик санъати намуналари, ранг-баранг археологик ашёлар ёрдамида кўрсатилган. Бундан 1500 йиллар аввал барпо қилинган, Бухоро ҳукмдорларининг маҳобатли Варахша (Бухоро вилояти) саройининг деярли барча хоналари ганчдан ясалган ҳайкаллар, нақшлар билан безатилган. Айниқса, қадимги мусаввирлар томонидан ишланган ранг-баранг деворий суратлар диққатга сазовордир. Бу суратларда юрт осойишталиги учун курашган ботирларнинг ва ҳар хил маъбудаларнинг тасвирларини кўришимиз мумкин. Худди шу хилдаги деворий суратлар Тохаристондаги Болаликтепа, Самарқанд шаҳридаги Афросиёб, Ургут туманидаги Жартепа ҳамда Хоразмнинг бир қатор ёдгорликларидан ҳам топилган. Бу ҳолат V - VIII асрларда юртимизда маҳобатли рангтасвир санъати кенг ва юксак даражада ривожланганлигини кўрсатиб турибди.

VIII асрдан бошлаб араблар юртимизни истило қила бошладилар. Бу босқин натижасида бир қанча шаҳарлар ва қишлоқлар вайрон бўлди. Аммо аждодларимиз қисқа вақтда вайроналарни қайта тиклаб, ҳаётларини изга туширишга эришдилар. Чунки, юртимизда азалдан ҳукм сурган ижтимоий муҳит, яратувчилик, тараққиётга интилиш ҳисси кудратли эди. Шу сабабдан ҳам Арабистон ярим оролида туғилган ислом дини бизнинг юртимизда сайқалланди, илмий асосланган илоҳий таълимот сифатида жаҳоний юксакликка кўтарилди. IX-XII асрларда аждодларимизнинг ислом динининг илоҳий фан даражасига кўтарилишига қўшган ҳиссалари жуда салмоқли бўлди. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Исо Термизий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ аждодларимиз ислом таълимотини тушунтириш ва ривожлантириш йўлида оламшумул хизматлар қилганликларини бугунги кунда ислом дунёсининг барча олимлари тан олганлар.



Бу даврда жаҳон цивилизацияси равнақига улкан улушларини қўшган, математика, астрономия, тиббиёт, табиат ҳақидаги фанларнинг шаклланишида буюк хизматлар қилган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби даҳоларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу асрларда айниқса шаҳарсозлик маданияти яхши ривожланган. Самарқанд, Бухоро, Кеш-Шаҳрисабз, Хива, Термиз, Тошкент, Аксикент, Андижон, Қўқон ва Марғилон каби шаҳарлар маданият, илм-фан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ марказларига айланди. Тарихда Буюк ипак йўли номи билан машҳур бўлган Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи савдо йўлининг бир йўналиши юртимиз ҳудудларидан – Фарғона, Ховос (Сирдарё вил.), Зомин (Жиззах вил.)дан ўтиб, Самарқанд ва Бухоро орқали Жанубий Эрон томонга, иккинчи йўналиши эса Хива (Хоразм вил.) ва Мздақхон (Қорақалпоғистон Респ. ) орқали Қора денгиз бўйларига кетар эди. Шу сабабли музей экспозициясида Византияда ишланган қора мунчоқлару бронзадан қуйилган Хитой ойналаридан тортиб ўзимизнинг юртда юқори технология асосида ишлаб чиқарилган нафис шиша идишлар, юқори ҳароратга чидамли кимё ва тиббиёт соҳасида ишлатиладиган симоб кўзачаларни, бронзадан зарб қилинган Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар тангаларини кўрасиз. Шундай қилиб, IX-XII асрлардаги илмий-маданий юксалиш бутун дунёда Шарқ Уйғониш даври деб улуғланади. Экспозицияга қўйилган ашёвий далиллар орқали буни юракдан ҳис этиб, қалбингиз ғурурга тўлади.

Бир ярим асрлик мўғуллар истибдодидан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмдорлигига сайланган Амир Темур катта куч-ғайрат билан бу юртни тиклашга, обод, осойишта ва фаровон қилишга киришди. Соҳибқирон бобомиз дастлаб бир неча минг йиллик анъанага эга бўлган, аммо мўғуллар емириб ташлашга уринган ўзбек давлатчилигини тиклашга бел боғлади. Амир Темур давлат бошқарувининг мукаммал қонун-қоидаларини, иқтисодий ислоҳотлар, ҳарбий тизимларни яратдики, бу нафақат мулки Туронда, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлар давлатчилигига ҳам андоза бўлиб хизмат қилди. У мўғуллар вайрон қилган шаҳар ва қишлоқларни, суғориш тармоқларини, экинзорларни, савдо-карвон йўлларини тиклади. Соҳибқирон бобомиз қадимий Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти қилиб танлар экан, уни ҳар томонлама гўзал, обод ва бетакрор қилишга аҳд қилди. Бу шаҳарга дунёнинг турли томонларидан олимларни чорлаб, уларга ҳомийлик қилди, ҳашаматли мадрасалар, кутубхоналар барпо қилдирди. Амир Темурнинг яратувчилик даҳоси эвазига Самарқанд "ер юзининг сайқалига" айланди. Соҳибқирон бобомиз нафақат пойтахт Самарқандни, балки Мовароуннаҳр, Эрон, Хуросоннинг бошқа шаҳарларини ҳам обод қилди. Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, санъат, маданият, илм-фан гуркираб ривожланди. Музей экспозициясидан Амир Темур салтанати харитаси, тангалари, нақшли сирланган сопол идишлар, ёғоч ўймакорлик, кандакорлик санъати намуналари, қора металлдан ишланган жангчи совути, архитектура-қурилиш деталлари ва биноларнинг макетлари ҳамда Алишер Алиқуловнинг алоҳида музей учун яратган "Амир Темур" номли улуғвор панноси ўрин олган.

Амир Темур мамлакатнинг тараққиётида қўшни давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлишини яхши англаганлиги учун Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан дўстона дипломатик муносабатлар ўрнатган эди. Жаҳонга машҳур Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид каби олимлар, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби шоирлар Амир Темур яратиб кетган қулай илмий ва маданий муҳит туфайли етишиб чиққанлар, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам экспозицияда Амир Темур ва темурийлар даврини кўрсатишга алоҳида эътибор берилган.



Музей янги экспозициясини яратишда тарихий-маданий ривожланиш ва халқимизнинг бунёдкорлик қудратини кўрсатишга алоҳида эътибор берилганлиги туфайли айрим даврлардаги у ёки бу даражадаги узилишлар кўзга ташланмайди. Бу жиҳатдан XVI-XIX асрлар, юртимизнинг чор истилочилари томонидан босиб олиниши ва шўролар даврларининг кўрсатилиши характерлидир. Масалан, XVI-XIX асрлардаги тарихимизга оид экспозицияни шакллантиришда этнографик материаллар, халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, адабиёт ва санъат намуналарига кўпроқ эътибор қаратилган. Экспозицияда Комил Хоразмий томонидан кашф этилган миллий нота ёзуви – дунёда тенги йўқ Хоразм танбур чизиғининг олтин суви юритилган асл нусхасининг биринчи бор намойиш этилаётганлиги ҳам ана шу мақсадни кўзлайди. Бир сўз билан айтганда, томошабин кўз ўнгида музей воситаларида тарих бутун борлигича холис ва объектив равишда намоён бўлган.

Музейнинг жуда ёруғ Мустақиллик залига киришимиз билан беихтиёр ёруғ кунларга етиб келганимиз, озодликка эришганимиздан қалбимизда ажиб бир ҳиссиёт – шукроналик ва ғурур пайдо бўлади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг рамзлари: Байроғимиз, Гербимиз, Мадҳиямиз, Президентимиз, Конституциямиз турли-туман тасвирий воситалар орқали кўрсатилган. Музей экспозициясидан жой олган юзлаб рангтасвир воситалари, фотоҳужжатлар, диаграммалар, макетлар, мамлакатимиз иқтисоди, маданияти, илму фани, маорифи, спорти мисли кўрилмаган ютуқларга эришганлиги ниҳоятда кўримли бир ҳолда намойиш этилган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, музей экспозициясида халқимизнинг бунёдкорлик даҳоси эвазига юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни акс эттириш орқали ўзбек цивилизацияси ва давлатчилигининг босқичма-босқич ривожи ва яхлит тарихи тўла намоён этилган.

Ўзбек давлатчилиги бундан қарийб 3,5 минг йил муқаддам воҳа-давлат сифатида шаклланди ва асрдан-асрга ривожланиб, юксалиб борди. 2750-2500 йиллар аввал йирик давлатлар – Бақтрия, Хоразм, Сўғд подшолиги, сўнгроқ 2100-1800 йиллар олдин қудратли Кушон салтанати, IX-XII асрларда Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар сулоласи, XIV- XV асрларда Амир Темур салтанати ва XX аср сўнгида мустақил Ўзбекистон давлати сифатида тарих саҳнасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

"Биз, — деган эди И.Каримов, — буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имкониятларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор". Музей экспозицияси билан танишган ҳар бир томошабин ана шу тарихий асосни тўла кўра олади ҳамда мазкур экспозиция бутун руҳи ва мақсади билан келажакка қаратилганлигига қатъий ишонч ҳосил қилади.

Азиз юртдошимиз, Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясини кўриб, ҳис қилиб, қалб қўрингиздан ўтказиб, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз, деган умиддамиз.

**Тўра МИРЗАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**
**Темур ШИРИНОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

*Музей залларидан олинган суратлар Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВники.*

*Бизнесингиз учун янги имкониятлар!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**АҚШда ишлаб чиқарилган технологик ускуналар, машиналар ва агрегатлар сотиб олиш учун кичик ва ўрта тадбиркорликни АҚШ экспорт–импорт банки кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмокда.**

- импорт контракти банк томонидан молияланиши – 100 минг АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача;
- кредит муддати — 7 йил;
- қарз олувчининг ўз маблағлари иштироки – лойиҳа қийматининг камида 25 %;
- гаров таъминоти – кредит қийматининг камида 120 %.

**АҚШдаги потенциал технология ишлаб чиқарувчиларни излашда сизга қуйидаги интернет-сайтлар ёрдам беради:**

**www.processfood.com**
**www.packexpo.com**
**www.buyusa.com**
**www.keyww.com**
**www.usamanufacturers.com**

*Лойиҳангизни муваффақиятли амалга ошириш учун ACDI/VOCA (АҚШ) компаниясининг юқори малакали маслаҳатчилари жалб қилинган.*

**Қўшимча маълумотлар олиш учун Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига ёки банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Телефонлар: 137-59-15, 137-62-73, 137-62-75, 137-63-48.**
**www.nbu.com.**

6837/235


Газетада босилмади, аммо...



# ЎЗБОШИМЧА ҲАЙДОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

*Шу йил февраль ойининг бошида таҳририятимизга Зангиота туманидаги Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирувчи "Гулистон", "Янгиобод", "Янгиҳаёт" ва "Ботир" маҳаллаларида яшовчи бир гуруҳ меҳнаткашлар номидан шикоят хати келганди.*

*Унда Тошкент шаҳри билан ушбу маҳаллалар оралиғида — "Бўзсув, 2-бўлим — Чилонзор, 25-даҳа" йўналиши бўйича қатновчи "Отойўл" автобуслари сони кейинги вақтларда кескин камайиб кетгани, уларнинг ўрнини ноқонуний иш юритаётган "РАФ" ва "Дамас" русумли 10-15 та хусусий автомобиль эгаллаб олгани айтилганди. Ўзбошимча ҳайдовчилар аҳолига ўзлари истаган нархда ва ўзлари хоҳлаган пайтда хизмат кўрсатаётганликлари туфайли ижтимоий кам таъминланган фуқароларда, айниқса, ойлик чиптаси бор йўловчилар ҳамда ўқувчи-талабаларда норозилик туғилаётгани баён этилганди. Биз шикоят хатини ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар кўриш учун Тошкент вилояти ҳокимлигига жўнатгандик. Шу муносабат билан яқинда ҳокимликнинг Индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича котибияти мудири С.ИЛҲОМОВдан қуйидаги мазмунда расмий жавоб олдик:*

"Аризада кўтарилган масалалар ички ишлар бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг йўл назорати бўлими, республика Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент вилояти бўлими ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Шу жараёнда "Бўзсув, 2-бўлим — Чилонзор, 25-даҳа" йўналишида, ҳақиқатан ҳам, бир нечта хусусий "РАФ" русумли микроавтобус ва "Дамас" ҳайдовчилари йўловчиларга ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ўзбошимчалик билан пуллик хизмат кўрсатаётганликлари аниқланди. Уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, ноқонуний фаолият юритишларига чек қўйилди. Зангиота туманидаги "Автотеххизмат" уюшмасига қарашли 447-йўналишга "Отойўл" автобусларининг етарли даражада ажратилиши, қатновдаги транспорт воситаларининг жадвалга риоя қилган ҳолда ҳаракатланиши ташкиллаштирилди. Бу ҳақда "Гулистон", "Янгиобод", "Янгиҳаёт" ва "Ботир" маҳаллалари фаоллари билан ўтказилган йиғилишда ҳисобот берилди. Фаоллар амалга оширилган ишлар учун миннатдорчилик билдиришди.

447-автобуслар ҳаракатини кузатиб бориш, ушбу йўналишда ноқонуний қатновларга йўл қўймаслик вилоят Ички ишлар бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси назоратига олинди".

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



### Ҳужум уюштирмоқчи эди

**_Америкалик десантчилар Эс-Самава шаҳри яқинидаги назорат-ўтказиш пунктига юк машинасида ҳужум уюштиришга уринган бир ироқликни отиб ўлдиришган ва уч нафарини яралаган. Қатардаги АҚШ қуролли кучларининг марказий қўмондонлиги ана шу ҳақда хабар тарқатган. Қўмондонликдан олинган маълумотга қараганда, америкалик ҳарбийлар жабрланмаган, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" агентлиги._**

### Улкан қурол-яроғ захиралари топилди

**_Америкалик денгиз пиёдалари Ироқда улкан қурол-яроғ заҳираларини топишди. Улар 40 та омборда сақланаётган экан._**

**_"ИТАР-ТАСС" мухбирининг хабарига кўра, у ерда жуда кўп ўқотар қурол, гранатамёт ва минамётлар бор. Маълумотларга қараганда, улар яқин кунларда йўқ қилинади._**

### Синовлар давом этмоқда

**_Шимолий Корея кемаларга қарши ракета синовини ўтказди. "Киодо цусин" агентлиги ана шундай хабар тарқатди. Пхеньяннинг ракета дастури Японияни ташвишга солмоқда. Чунки 1998 йили Шимолий Кореяга қарашли "Тэпходон — 1" ракетаси кунчиқар давлат устидан учиб ўтиб океанга қулаганди. Улар ядровий заряд олиб бориш имкониятига эга._**






**_Боливиянинг кончилар яшовчи Чима шаҳрида ер кўчиши оқибатида 700 киши бедарак йўқолган ва 400 дан зиёд уй вайронага айланган._**

**_"РИА"Новости" агентлигининг хабарига қараганда, айни пайтда ҳодиса юз берган ҳудудга иккита қутқарув гуруҳи ва махсус техника юборилган._**

### Энг ёмон раҳбар

**_Пентагон Саддам Ҳусайнни дунё тарихидаги энг ёмон раҳбар деб баҳолади._**

**_Пентагон матбуот котиби Виктория Кларкнинг таъкидлашича, Ироқ халқи ҳали дунё кўрмаган бундай азоб ва уқубатлардан албатта озод қилинади._**

### Ногирон Эверестга чиқмоқчи

**_Непаллик Унгди Черинг исмли ногирон(унинг қўли йўқ) дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестни забт этишини маълум қилди, деб хабар беради "BBC News"._**



**_Черинг бу билан ҳаракати чекланган кишилар ҳам мана шундай ишларга қодир эканлигини исботламоқчи. Унинг айтишича, чўққининг забт этилиши дунёдаги барча ногиронларнинг руҳини кўтаради._**

# «МАДАД»

## пул ютуқли лотереяси бўйича 2003 йил 28 мартда Тошкент шаҳрида ўтказилган тиражининг

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 90 млн.сўмлик 197500 та пул ютуқлари ўйналди.**

**Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 001848, билет рақами 036 бўлган лотерея билетига 1000000 сўм пул ютуғи чиққанлиги кўрсатилган.**

**Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган.**

**Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:**

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг микдори |
|---|---|---|
| 000005 | 063*) | 100000 |
| 000014 | 041*) | 1000 |
| 000020 | 063*) | 5000 |
| 000028 | 086*) | 1000 |
| 000033 | 011*) | 150000 |
| 000049 | 049*) | 10000 |
| 000052 | 025*) | 25000 |
| 000054 | 065*) | 500 |
| 000055 | 081*) | 500 |
| 000058 | 025*) | 25000 |
| 000061 | 032*) | 1000 |
| 000067 | 049*) | 1000 |
| 000070 | 020*) | 1000 |
| 000071 | 079*) | 50000 |
| 000074 | 051*) | 500 |
| 000075 | 041*) | 500 |
| 000077 | 035*) | 25000 |
| 000079 | 063*) | 10000 |
| 000087 | 019*) | 1000 |
| 000091 | 002*) | 1000 |
| 000099 | 091*) | 100000 |
| 000108 | 099*) | 25000 |
| 000109 | 029*) | 25000 |
| 000112 | 005*) | 1000 |
| 000118 | 034*) | 25000 |
| 000119 | 085*) | 5000 |
| 000120 | 023*) | 1000 |
| 000121 | 006*) | 5000 |
| 000122 | 052*) | 25000 |
| 000123 | 001*) | 5000 |
| 000126 | 068*) | 10000 |
| 000127 | 021*) | 10000 |
| 000129 | 021*) | 25000 |
| 000136 | 051*) | 1000 |
| 000139 | 052*) | 150000 |
| 000143 | 009*) | 25000 |
| 000145 | 034*) | 50000 |
| 000151 | 079*) | 5000 |
| 000166 | 015*) | 1000 |
| 000168 | 084*) | 1000 |
| 000176 | 067*) | 25000 |
| 000182 | 039*) | 50000 |
| 000184 | 077*) | 25000 |
| 000188 | 057*) | 500 |
| 000200 | 070*) | 500 |
| 000203 | 070*) | 1000 |
| 000206 | 024*) | 500 |
| 000214 | 063*) | 1000 |
| 000224 | 087*) | 1000 |
| 000227 | 052*) | 50000 |
| 000242 | 047*) | 1000 |
| 000245 | 097*) | 50000 |
| 000250 | 036*) | 25000 |
| 000255 | 043*) | 10000 |
| 000257 | 012*) | 500 |
| 000260 | 027*) | 1000 |
| 000268 | 098*) | 10000 |
| 000291 | 098*) | 25000 |
| 000293 | 033*) | 100000 |
| 000302 | 082*) | 10000 |
| 000305 | 093*) | 5000 |
| 000309 | 001*) | 10000 |
| 000311 | 041*) | 50000 |
| 000326 | 019*) | 150000 |
| 000330 | 074*) | 500 |
| 000332 | 075*) | 500 |
| 000338 | 088*) | 25000 |
| 000339 | 088*) | 1000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг микдори |
|---|---|---|
| 000340 | 007*) | 10000 |
| 000342 | 070*) | 10000 |
| 000349 | 076*) | 150000 |
| 000351 | 049*) | 5000 |
| 000359 | 050*) | 500 |
| 000379 | 034*) | 5000 |
| 000382 | 024*) | 150000 |
| 000391 | 013*) | 1000 |
| 000392 | 059*) | 500000 |
| 000394 | 090*) | 500 |
| 000400 | 058*) | 50000 |
| 000413 | 085*) | 1000 |
| 000414 | 074*) | 5000 |
| 000415 | 014*) | 25000 |
| 000422 | 010*) | 5000 |
| 000423 | 055*) | 500 |
| 000425 | 018*) | 5000 |
| 000431 | 014*) | 1000 |
| 000439 | 038*) | 5000 |
| 000440 | 007*) | 500 |
| 000443 | 050*) | 50000 |
| 000448 | 022*) | 25000 |
| 000451 | 080*) | 25000 |
| 000452 | 009*) | 5000 |
| 000461 | 002*) | 500 |
| 000483 | 053*) | 10000 |
| 000486 | 087*) | 5000 |
| 000487 | 058*) | 5000 |
| 000494 | 098*) | 1000 |
| 000496 | 043*) | 150000 |
| 000506 | 048*) | 5000 |
| 000512 | 029*) | 50000 |
| 000517 | 009*) | 10000 |
| 000521 | 019*) | 25000 |
| 000525 | 081*) | 1000 |
| 000527 | 004*) | 50000 |
| 000538 | 044*) | 1000 |
| 000540 | 071*) | 1000 |
| 000542 | 043*) | 10000 |
| 000544 | 059*) | 1000 |
| 000549 | 072*) | 500 |
| 000550 | 094*) | 500 |
| 000553 | 049*) | 500 |
| 000555 | 031*) | 1000 |
| 000556 | 072*) | 500 |
| 000568 | 019*) | 500 |
| 000570 | 047*) | 5000 |
| 000578 | 011*) | 5000 |
| 000583 | 075*) | 1000 |
| 000589 | 095*) | 100000 |
| 000594 | 025*) | 1000 |
| 000602 | 073*) | 10000 |
| 000604 | 091*) | 500 |
| 000605 | 095*) | 250000 |
| 000606 | 008*) | 50000 |
| 000609 | 010*) | 5000 |
| 000619 | 071*) | 500 |
| 000627 | 042*) | 50000 |
| 000639 | 032*) | 500 |
| 000641 | 036*) | 50000 |
| 000643 | 086*) | 50000 |
| 000647 | 012*) | 5000 |
| 000662 | 055*) | 5000 |
| 000666 | 002*) | 25000 |
| 000673 | 055*) | 10000 |
| 000674 | 066*) | 100000 |
| 000687 | 091*) | 25000 |
| 000692 | 081*) | 5000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг микдори |
|---|---|---|
| 000696 | 093*) | 500 |
| 000698 | 022*) | 50000 |
| 000707 | 066*) | 500 |
| 000713 | 076*) | 5000 |
| 000719 | 017*) | 25000 |
| 000732 | 051*) | 25000 |
| 000744 | 008*) | 25000 |
| 000748 | 063*) | 10000 |
| 000751 | 079*) | 500 |
| 000758 | 070*) | 500 |
| 000763 | 079*) | 500 |
| 000771 | 054*) | 5000 |
| 000776 | 078*) | 10000 |
| 000780 | 068*) | 10000 |
| 000792 | 064*) | 5000 |
| 000796 | 080*) | 25000 |
| 000799 | 019*) | 100000 |
| 000802 | 076*) | 50000 |
| 000803 | 016*) | 1000 |
| 000809 | 086*) | 1000 |
| 000813 | 031*) | 500 |
| 000815 | 030*) | 25000 |
| 000822 | 034*) | 1000 |
| 000823 | 097*) | 5000 |
| 000826 | 098*) | 5000 |
| 000829 | 070*) | 5000 |
| 000830 | 069*) | 1000 |
| 000831 | 001*) | 10000 |
| 000836 | 098*) | 10000 |
| 000837 | 089*) | 1000 |
| 000839 | 023*) | 1000 |
| 000842 | 083*) | 500 |
| 000857 | 048*) | 5000 |
| 000859 | 056*) | 5000 |
| 000860 | 061*) | 1000 |
| 000863 | 026*) | 1000 |
| 000865 | 005*) | 10000 |
| 000867 | 095*) | 25000 |
| 000881 | 051*) | 10000 |
| 000885 | 083*) | 5000 |
| 000889 | 083*) | 10000 |
| 000892 | 007*) | 5000 |
| 000896 | 066*) | 25000 |
| 000920 | 007*) | 50000 |
| 000928 | 066*) | 250000 |
| 000937 | 044*) | 25000 |
| 000940 | 096*) | 500 |
| 000948 | 053*) | 5000 |
| 000963 | 032*) | 100000 |
| 000964 | 032*) | 5000 |
| 000966 | 089*) | 5000 |
| 000967 | 092*) | 25000 |
| 000969 | 031*) | 100000 |
| 000970 | 009*) | 25000 |
| 000975 | 010*) | 250000 |
| 000977 | 002*) | 50000 |
| 000978 | 085*) | 1000 |
| 000983 | 036*) | 500 |
| 000987 | 089*) | 25000 |
| 000989 | 054*) | 10000 |
| 000993 | 046*) | 1000 |
| 000995 | 033*) | 50000 |
| 001001 | 060*) | 10000 |
| 001004 | 014*) | 1000 |
| 001007 | 036*) | 5000 |
| 001010 | 023*) | 10000 |
| 001024 | 002*) | 1000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг микдори |
|---|---|---|
| 001025 | 024*) | 250000 |
| 001028 | 076*) | 1000 |
| 001036 | 022*) | 1000 |
| 001038 | 068*) | 1000 |
| 001044 | 030*) | 10000 |
| 001046 | 006*) | 500 |
| 001053 | 091*) | 1000 |
| 001057 | 064*) | 10000 |
| 001061 | 017*) | 50000 |
| 001066 | 019*) | 50000 |
| 001072 | 015*) | 5000 |
| 001075 | 014*) | 25000 |
| 001076 | 072*) | 500000 |
| 001081 | 001*) | 25000 |
| 001082 | 076*) | 500 |
| 001088 | 039*) | 5000 |
| 001093 | 024*) | 50000 |
| 001098 | 037*) | 25000 |
| 001108 | 008*) | 1000 |
| 001113 | 038*) | 5000 |
| 001115 | 077*) | 50000 |
| 001124 | 077*) | 25000 |
| 001128 | 058*) | 5000 |
| 001131 | 033*) | 1000 |
| 001134 | 073*) | 500 |
| 001136 | 010*) | 150000 |
| 001137 | 014*) | 50000 |
| 001138 | 096*) | 50000 |
| 001141 | 057*) | 500 |
| 001145 | 059*) | 250000 |
| 001151 | 011*) | 5000 |
| 001157 | 082*) | 50000 |
| 001160 | 021*) | 500 |
| 001184 | 015*) | 5000 |
| 001191 | 010*) | 5000 |
| 001201 | 079*) | 500 |
| 001204 | 086*) | 500 |
| 001206 | 097*) | 1000 |
| 001209 | 053*) | 10000 |
| 001211 | 014*) | 1000 |
| 001228 | 040*) | 500 |
| 001229 | 050*) | 5000 |
| 001231 | 087*) | 10000 |
| 001233 | 074*) | 5000 |
| 001237 | 018*) | 10000 |
| 001240 | 031*) | 1000 |
| 001245 | 073*) | 50000 |
| 001246 | 012*) | 1000 |
| 001247 | 023*) | 5000 |
| 001249 | 041*) | 1000 |
| 001251 | 100*) | 25000 |
| 001252 | 023*) | 500 |
| 001253 | 059*) | 50000 |
| 001258 | 016*) | 25000 |
| 001260 | 011*) | 25000 |
| 001264 | 034*) | 50000 |
| 001294 | 014*) | 10000 |
| 001303 | 049*) | 100000 |
| 001304 | 085*) | 500 |
| 001309 | 001*) | 25000 |
| 001314 | 036*) | 5000 |
| 001320 | 033*) | 25000 |
| 001336 | 017*) | 1000 |
| 001337 | 040*) | 1000 |
| 001343 | 026*) | 50000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг микдори |
|---|---|---|
| 001351 | 070*) | 1000 |
| 001356 | 008*) | 10000 |
| 001359 | 080*) | 500 |
| 001368 | 054*) | 500 |
| 001369 | 077*) | 500 |
| 001370 | 066*) | 25000 |
| 001371 | 018*) | 10000 |
| 001377 | 060*) | 10000 |
| 001390 | 027*) | 1000 |
| 001392 | 005*) | 5000 |
| 001415 | 018*) | 500 |
| 001417 | 045*) | 5000 |
| 001418 | 033*) | 10000 |
| 001421 | 049*) | 5000 |
| 001426 | 081*) | 25000 |
| 001429 | 038*) | 10000 |
| 001430 | 009*) | 10000 |
| 001436 | 001*) | 500 |
| 001437 | 042*) | 10000 |
| 001439 | 031*) | 5000 |
| 001443 | 090*) | 50000 |
| 001452 | 021*) | 5000 |
| 001453 | 065*) | 500 |
| 001462 | 018*) | 5000 |
| 001467 | 003*) | 1000 |
| 001469 | 058*) | 5000 |
| 001471 | 065*) | 500 |
| 001473 | 095*) | 500 |
| 001478 | 030*) | 10000 |
| 001479 | 034*) | 25000 |
| 001481 | 089*) | 50000 |
| 001482 | 061*) | 1000 |
| 001483 | 095*) | 25000 |
| 001494 | 053*) | 1000 |
| 001505 | 056*) | 100000 |
| 001506 | 010*) | 150000 |
| 001531 | 078*) | 1000 |
| 001533 | 076*) | 50000 |
| 001540 | 052*) | 10000 |
| 001542 | 049*) | 500 |
| 001545 | 016*) | 50000 |
| 001549 | 046*) | 1000 |
| 001552 | 068*) | 5000 |
| 001556 | 068*) | 1000 |
| 001559 | 074*) | 1000 |
| 001564 | 066*) | 5000 |
| 001565 | 085*) | 5000 |
| 001567 | 056*) | 10000 |
| 001569 | 021*) | 1000 |
| 001571 | 062*) | 50000 |
| 001575 | 025*) | 5000 |
| 001576 | 099*) | 5000 |
| 001579 | 085*) | 25000 |
| 001582 | 005*) | 25000 |
| 001586 | 012*) | 5000 |
| 001605 | 002*) | 10000 |
| 001616 | 016*) | 10000 |
| 001620 | 056*) | 5000 |
| 001622 | 040*) | 1000 |
| 001624 | 095*) | 100000 |
| 001629 | 035*) | 50000 |
| 001638 | 045*) | 1000 |
| 001639 | 099*) | 500 |
| 001650 | 015*) | 10000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг микдори |
|---|---|---|
| 001651 | 005*) | 50000 |
| 001666 | 007*) | 500 |
| 001685 | 002*) | 25000 |
| 001690 | 026*) | 50000 |
| 001703 | 094*) | 25000 |
| 001706 | 006*) | 1000 |
| 001713 | 042*) | 50000 |
| 001714 | 078*) | 500 |
| 001721 | 023*) | 10000 |
| 001722 | 013*) | 10000 |
| 001729 | 037*) | 50000 |
| 001731 | 079*) | 25000 |
| 001734 | 060*) | 50000 |
| 001737 | 027*) | 10000 |
| 001739 | 061*) | 500 |
| 001749 | 065*) | 50000 |
| 001754 | 067*) | 1000 |
| 001755 | 040*) | 25000 |
| 001756 | 007*) | 25000 |
| 001763 | 018*) | 1000 |
| 001773 | 067*) | 25000 |
| 001780 | 052*) | 10000 |
| 001786 | 004*) | 5000 |
| 001795 | 084*) | 1000 |
| 001799 | 032*) | 1000 |
| 001805 | 039*) | 1000 |
| 001811 | 019*) | 10000 |
| 001817 | 049*) | 1000 |
| 001819 | 062*) | 500 |
| 001826 | 068*) | 5000 |
| 001828 | 046*) | 5000 |
| 001832 | 061*) | 500 |
| 001838 | 005*) | 10000 |
| 001840 | 003*) | 5000 |
| 001846 | 090*) | 50000 |
| 001847 | 033*) | 500 |
| 001848 | 036*) | 1000000 |
| 001850 | 087*) | 5000 |
| 001851 | 074*) | 10000 |
| 001852 | 029*) | 1000 |
| 001856 | 030*) | 5000 |
| 001871 | 033*) | 1000 |
| 001899 | 086*) | 500 |
| 001904 | 094*) | 1000 |
| 001918 | 023*) | 100000 |
| 001922 | 062*) | 50000 |
| 001924 | 072*) | 500 |
| 001931 | 031*) | 500 |
| 001932 | 022*) | 1000 |
| 001934 | 067*) | 500 |
| 001937 | 058*) | 10000 |
| 001950 | 086*) | 25000 |
| 001951 | 032*) | 5000 |
| 001953 | 017*) | 500 |
| 001960 | 082*) | 10000 |
| 001961 | 002*) | 1000 |
| 001969 | 055*) | 1000 |
| 001982 | 069*) | 1000 |
| 001988 | 050*) | 5000 |
| 001997 | 065*) | 5000 |
| 001998 | 030*) | 1000 |
| 001999 | 059*) | 500 |
| 002000 | 055*) | 1000 |

***) Қолган 99 билет номерига 200 сўмдан ютуқ чиқди.**

- **25000 сўмгача миқдордаги ютуқлар Ўзбекистон Республикаси «Ўзуйжойжамғармабанк»ининг барча муассасаларида тўланади.**
- **25000 сўм ва 25000 сўмдан юқори ютуқли лотерея чипталари экспертизадан ўтказилгандан кейин «Ўзуйжойжамғармабанк»и бўлимлари томонидан тўланади.**

**Ютуқ чипталари ҳақ тўлашга 2003 йил 1 августгача қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин лотерея чипталари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Абдураҳимова Фарида Йўлдошевна** | **Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси (Тираж комиссиясининг раиси)** | **Баҳодиров Ортиқхўжа** | **Ўзбекистон Республикаси «Халқ банки» ходими (тираж комиссиясининг масъул котиби)** |

